

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2022 йил сентябрь ойининг 21-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи Ш.Қучқаров ва унинг ҳимоячиси Ж.Хўжахоновнинг иштирокида, Қучқаров Шерзоджон Рустамжон ўғлига нисбатан 1-1513-2201/487-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Қучқаров Шерзоджон Рустамжон ўғли (Quchqarov Sherzodjon Rustamjon o'gli), 1988 йил 12 январда Фарғона вилояти, Боғдод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Тузел 2 мавзеси, 12В-уй, 54-хонадонда истиқомат қилади, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қучқаров Шерзоджон Рустамжон ўғли Тошкент шаҳар, Бектемир туманининг чекка жойларидаги дала майдонларида ўсиб турган ёввойи наша ўсимлиги баргларини териб, ундан “гашиш” гиёҳвандлик воситасини тайёрлаб, яшаш хонадониди ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган.

2022 йил 16 июнь куни соат 21ларда, Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган профилактик тадбир давомида, Ш.Қучқаров Марғилон шаҳар, Юксалиш маҳалла фуқаролар йиғини, Айланма йўл кўчасидаги автотураргоҳда турган вақтида уни ёни холислар иштирокида кўздан кечирилганида, уни ўнг оёғидаги пайпоғининг ички қисмида бир бўлак, ўзига хос ҳидли ёпишқоқ модда борлиги аниқланган ҳамда холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 22 июндаги 723-сонли хулосасига кўра, Ш.Қучқаровдан ашёвий далил тариқасида олинган тўқ жигарранг рангли, пресланган эгилувчан ҳолдаги, ўзига хос ҳидли модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу “гашиш” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириши, соф оғирлиги 1.45 (бир бутун юздан қирқ беш) граммни ташкил этиши аниқланган.



Суд-наркологик экспертизасининг 2022 йил 18 июль кунги 496-сонли хулосасига кўра, Ш.Кучқаровда “Эпизодик наша чекиш” аниқлангани ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Ш.Кучқаров суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил март ойи бошида Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги дала майдонларида қаровсиз ҳолда ўсиб турган ёввойи наша ўсимликлари барглاردан териб олиб қуришиб, сиқиб, майдалаб, мум шаклига келтириб, яшаш уйида истеъмоли учун сақлаб келгани, 2022 йил 16 июнь куни яшаш хонадонидagi “гашиш” гиёҳвандлик моддасини ўнг оёғидаги пайпоғи ичига ўзининг истеъмол учун солиб, ишлари билан Фарғона шаҳрига келгани, кейин ишларини битириб, шу куни соат 21ларда, Марғилон шаҳридаги Тошкент шаҳрига қатнайдиган автомашиналар тураргоҳига келгани, шу вақтда Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари уни чақириб, холислар иштирокида уни ёнини кўздан кечиришиб, ўнг оёғи пайпоғи ичидаги ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган гиёҳвандлик воситасини ашёвий далил тариқасида олишгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Ш.Кучқаров ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- гувоҳ Б.Омоновнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 16 июнь куни соат 21ларда, Марғилон шаҳар, Юксалиш маҳалла фуқаролар йиғини, Айланма кўчасидан ўтиб кетаётган вақтида ИИБ ходимлари уни бир ишда холиси сифатида иштирок этишни сўрашганида рози бўлгани, шундан сўнг кейинчалик билган Кучқаров Шерзодни ёнини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этгани, кўздан кечириш давомида Ш.Кучқаров ўз ихтиёри билан ўнг оёғидаги пайпоқ ичидан гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ёпишқоқ моддани тақдим этгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари бу ҳақда баённома расмийлаштиришгани, тузилган баённомага холис сифатида имзо қўйгани ҳақидаги кўрсатуви;

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Ф.Юсуповнинг терговдаги кўрсатувлари;

- шунингдек, далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома (и.в.7), далилий ашёни вазнини тортиш ҳақида баённома (и.в.8), суд-кимёвий экспертизаси хулосаси (и.в.16-17) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Ш.Кучқаровнинг озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш ва ташишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи



ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ш.Қучқаровга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, Жиноят кодекси 55-моддасига асосан муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида кўрсатилган жарима жазоси тайинлашни, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига №00916-сонли қвитанция асосида топширилган 0.9 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Қучқаров Шерзоджон Рустамжон ўғли (Quchqarov Sherzodjon Rustamjon o'gli) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Қучқаров Шерзоджон Рустамжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида 6.000.000 (олти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ш.Қучқаровга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига 2022 йил 8 август куни №00916-сонли қвитанция асосида топширилган 0.9 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

